

Латипов Жасур Лазиз ўғли
Бухоро давлат университети
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ХИТАН (ЛЯО) ИМПЕРИЯСИНИНГ АДЛИЯ ТИЗИМЛАРИГА ЎРТА АСРЛАР ХИТОЙ ҚОНУНЧИЛИГИ ҲАМДА ДАШТ УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация. Мазкур мақолада Хитан (Ляо) империясининг адлия тизими шаклланишида ўрта асрлар Хитой қонунчилиги ҳамда дашт ҳудудларига хос урф-одат ва анъаналарнинг ўзаро таъсири таҳлил қилинади. Тадқиқот давомида Ляо давлатининг икки ёқлама бошқарув тизими – яъни, ўтроқ аҳоли учун хитойча ҳуқуқий меъёрлар, кўчманчи аҳоли учун эса анъанавий дашт қонун-қоидалари асосида юритилган суд-амалиёт ўрганилади. Шунингдек, жиноят ва фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги асосий тамойиллар, жазолаш тизими ҳамда суд органларининг фаолияти тарихий манбалар асосида ёритиб берилади. Мақола Ляо империясида ҳуқуқий синтез жараёнларини очиб беришга хизмат қилади.

Калим сўзлар: хитанлар, Ляо империяси, адлия тизими, Хитой қонунчилиги, дашт анъаналари, ҳуқуқий тизим, икки ёқлама бошқарув, суд тизими, ўрта асрлар, кўчманчилар ҳуқуқи.

Аннотация. В данной статье анализируется влияние средневекового китайского законодательства и степных обычаев на формирование судебно-правовой системы Китанской (Ляо) империи. В исследовании рассматривается двойственная система управления, при которой для оседлого населения применялись китайские правовые нормы, а для кочевого населения – традиционные степные обычаи и нормы. Особое внимание уделяется уголовному и гражданскому праву, системе наказаний и функционированию судебных органов. На основе исторических источников раскрывается процесс правового синтеза в Ляо империи.

Ключевые слова: Китаны, империя Ляо, судебная система, китайское право, степные традиции, правовая система, двойственное управление, средневековье, кочевое право.

Annotation. This article examines the influence of medieval Chinese legislation and steppe customs and traditions on the formation of the judicial system of the Khitan (Liao) Empire. The study explores the dual administrative system in which Chinese legal norms were applied to the sedentary population, while traditional steppe customs governed the nomadic population. Particular attention is given to criminal and civil law, the system of punishments, and the functioning of judicial institutions. Based on historical sources, the article reveals the process of legal synthesis within the Liao Empire.

Keywords: Khitan, Liao Empire, judicial system, Chinese law, steppe traditions, legal system, dual administration, Middle Ages, nomadic law.

Хитан қонунчилиги империядан илгариги даврларда оғзаки анъаналарга асосланган эди. Кейинчалик Хитой маданиятининг таъсирида ёзма қонунлар шакллана бошлаган. Бироқ ушбу қонунлар империянинг барча қисмларида ҳам етарлича таъсирга эга бўлмаган. Фақатгина хань ва бошқа ўтроқлашган миллатлар вакиллари яшайдиган жанубий ҳудудларда алоҳида қонун-қоидалар жорий этилган[10, 88]. Тарихий адабиётларда хитанларнинг ёзма қонунлар ёрдамида назорат қилиш қийинлиги ҳамда хитойликлар томонидан хитан қонунлари қатлининг жуда шафқатсиз усуллари қўлланилганлиги сабабли уларга “жуда қўпол” таърифи берилганлиги ҳақида маълумот берилади[1, 12]. Аслини

олганда, хитан кўчманчи жамиятида “ясо” ёки ёзма кодексларга эҳтиёж мавжуд бўлмаган. Қонунчилик вазифасини анъанавий миллий маданият бажарган. Император фармонлари аниқ муаммоларга оид бўлганлиги сабабли кенг қамровли қонунлар ишлаб чиқилмаган. Хитан жамияти ахлоқ қоидалари, ижтимоий қатламларнинг ўзаро муносабатларини ифодалаган урф-одатлар орқали бошқарилган.

Империя худуди катталашгани сари унинг ўтроқ аҳоли яшайдиган худудларида кабилавий судлов тартиблари ноқулайликлар келтириб чиқара бошлаган. Хитан хоқонлиги суд тизимининг турли тармоқларида ишлаган амалдорлардан “илиби”, “илицзин” кабиларни санаб ўтиш мумкин[9, 90]. Аниқроғи, “илиби” адлия вазири ёки бош судья сифатида давлатнинг ҳуқуқий муносабатларига раҳбарлик қилган бўлса, қабила бошлиқлари саналган “илицзин”лар ўз қабилаларидаги суд ҳокимиятининг масъуллари эдилар. 1046-йилдан бошлаб маҳаллий маъмурият вакилларининг суд ишлари бўйича ҳар йиллик ҳисоботи пойтахтга топширилиши ҳақида кўрсатма берилиши хоқонликдаги ҳуқуқий назоратнинг кучайишига сабаб бўлган[3, 116]. Шунингдек, бошқа ўрта аср давлатларида бўлгани каби олий ҳукмдорнинг ҳокимияти ва хоҳиш-иродаси ҳам суд ҳокимиятини ўзида акс эттирарди.

Шу сабабли император Тайцзун (926-947) давридан собиқ Бохай (698-926) худудларида хитойча бошқарув ва қисман судлов тартиблари жорий қилинган[11, 275]. 983-йилда Тан империяси (618-907) қонунлари тўплами – “Тан люй шу и” (唐律疏議 “Тан қонунлари шарҳи”) хитан тилига таржима қилинганлиги Хитой қонунчилиги таъсирининг Ляо давлатида кучая бошлаганлигининг яққол далилидир[4, 499]. Кейинроқ император Шэнцзун (982-1031) томонидан 994-йилда эълон қилинган фармонга кўра, хитанлар орасида ҳам Тан сулоласи қонунларида белгиланган “ўн ёвузлик” (ўнта энг оғир жиноят)ни содир этган шахсларнинг олий жазога ҳукм қилиниш амалиёти жорий этилган[1, 22]. Тан сулоласи даврида ушбу жиноятлар қуйидагиларни ўз ичига олган:

- императорга қарши ҳар қандай исён;
- собиқ императорлар мақбаралари ва ибодатхоналарни бузиш ёки унга ҳаракат қилиш, ҳукмдор саройига ҳужум қилиш каби турли диний ва дунёвий исёнларда иштирок этиш;
- давлатга, ҳукмдорга хиёнат қилиш, мамлакатдан қочиш, бошқа давлат томонига ўтиш ва хоинларга қўшилиш;
- бобо-буви, ота-она (ўғай она ва бувилар ҳам)ни уриш ёки ўлдиришга ҳаракат қилиш ҳамда амакилар, уларнинг хотинлари, ака-опалар, эрнинг ота-онаси ёки бобо-бувисини ўлдириш;
- бегуноҳларни ўлдириш, мурдани топташ ёки шафқатсиз усуллар билан қотилликни амалга ошириш, сеҳргарлик, жиноий мақсадларда заҳар тайёрлаш, сақлаш ва уни бошқаларга бериш каби ғайриинсоний жиноятлар;
- ибодатхона ёки ҳукмдорга тегишли буюмларини ўғирлаш, император учун овқат ва дори-дармонлар тайёрлашда суистеъмолликларга йўл қўйиш, ҳукмдор шаънига ёмон сўзлар айтиш, император элчилари фаолиятига тўсқинлик қилиш каби ахлоқий жиноятлар;
- ота-онани айблаш, ҳақоратлаш, уларнинг ҳаётлигида меросларини бўлиш, ғамхўрлик қилмаслик, уларнинг дафн маросими қоидаларини бузиш;
- ака-опаларни ўлдиришга ҳаракат қилиш, уриш ва қулликка бериш ҳамда хотиннинг эр устидан чақимчилиги ёки уни калтаклаши;
- раҳбарни, кўмондонни ўлдириш ҳамда бева аёлларга нисбатан ҳақоратли муносабат;
- қариндошлар, ота ва бобонинг канизаклари билан жинсий муносабатларга киришиш[13, 80-99].

Ушбу қонунларни тизимлаштириш ишига, эҳтимолки, хитойлик амалдорлардан бўлган Хань Яньхуй ва бошқаларнинг фаолияти асос бўлган бўлиши мумкин. Аммо Ляо хоқонлигида хитойча услубдаги яхлит қонунлар тўплами яратиш ҳаракати 1027-йили бошланган[3, 94]. Кейинроқ император Синцзун (1031-1055) томонидан 1036-йилда 547

22 моддадан иборат дастлабки императорлар фармонлари мазмунини ўз ичига олган илк хитан расмий қонунлари тўплами яратилади[11, 283]. 1070-йилда эса ундан икки такрорланувчи моддалар олиб ташланиб, Тан сулоласи кодексидан 173, хитан одатларидан 71 модда киритилади ва ушбу тўплам жами 789 моддадан иборат ҳолатга келади. Бироқ қонунлар тўплами кейинчалик яна бир неча бор тузатилган бўлса-да, 1089-йилда бекор қилинади ва 1036-йилги қонунлар қайта жорий этилган[4, 502]. Бунга сабаб сифатида қонунчиликда жиноят турларини англаувчи моддалар сони кўпайиб кетганлиги кўрсатилган ҳамда сулола ҳукмронлиги охирига қадар асосий қонунга ўзгартиришлар киритилмаган. Аммо қонунлардаги ўзгаришлар император Даоцзун (1055-1101)нинг консерватив бошқарувга мойиллиги билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Манбаларда хитанлар қўллаган жазо турлари ҳақида турли ўринларда маълумотлар келтирилган. Жумладан, “Ляо ши”нинг 61-62 боблари қонунчилик, жиноят ва жазо масалаларига бағишланган[12, 935-947]. Хитан қонунчилигида асосий жазо турлари қатл, қалтаклаш ва сургун каби уч даражали категориялардан иборат бўлган. 941-йили заҳар сақлаган амалдор қалтакланиб, сургун қилинган. Заҳарни тайёрлаган одам эса ўлдирилган[9, 88]. Император Шицзун (947-951) даврида эса баъзи исёнчиларнинг қатл қилиниши баробарида бошқаларининг сургун қилиниб, узоқ ўлкаларга жумладан, юқори Энасойдаги қирғизлар ҳузурига элчи сифатида жўнатилганлигини ҳам кузатиш мумкин[1, 18]. Айтиш мумкинки, бундай сургун, одатда, лавозимидан туширилган аъёнларга нисбатан қўлланилган.

Манбаларда хитанлар томонидан ингичка таёқ билан уриш жазоси қўлланилганлиги ҳақида эслатилган. Орқага урилган таёқдан сўнг отда ўтириб бўлмасди. Қонунларда жарима эвазига қалтакдан қутилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, хитанларда қаторга ишларига жалб қилиш амалиёти мавжуд бўлиб, бир йил, беш йил ёки умрбод муддатга ҳукм этилган[11, 273]. Ушбу маълумотлар хитанларнинг Хитой қонунчилигидан маъқул қўрилган жиҳатларнинг қабул қилиб, баъзи ўринларни ислоҳ қилишга ёки қабилавий қонунчилик билан умумийлаштиришга ҳаракат қилганликларининг далилидир.

Тан сулоласи қонунчилиги таъсири сезилиб турса-да, юқоридаги каби турли ўринларда хитан қонунларининг фарқли жиҳатларини ҳам аниқлаш мумкин. Жумладан, Абаоцзи (император Тайцзу, 907-926) даврида қабила сардорларига исён кўтарганлиги учун ўлим жазоси, император хонадони вакилларига эса қуллик белгиланган. 913-йилги исённинг оддий аъзолари “иблис камони” (ўқлар ёмғири) усули билан қатл этилиб, баъзи нуфузли исёнчилар ўзини ўлдиришга ҳукм қилинган. Яқин қариндошлар орасидаги жинсий муносабатлар, ота-онага қарши жиноятларда хитойликлардан фарқли ўлароқ хитанлар бошни танасидан жудо қилиш жазосини қўлламаганлар. Раҳбарга бўйсунмаслик учун ҳам хитанлар бошни олиш ўрнига оғизга темир эритиб қуярдилар[9, 88;91]. Ушбу фарқлар хитан қонунларида ижтимоий ва этник хусусиятларнинг ҳам инобатга олинганлигини кўрсатади.

Ляо қонунларининг характери фақатгина этник хусусиятларга кўра эмас, ҳукмдорларнинг шахсий қарашлари ва қайфиятига кўра ҳам ўзгариб турган. Жумладан, император Муцзун (951-969) даврида қўл ва оёқларни кесиш, ёкиш, оғиз йиртиш, тиш суғуриш, болдирларни қайириш, умуртқани синдириш каби жазолар жорий этилади. Аммо кейинроқ император Шэнцзун томонидан кичик жиноятлар учун қатл бекор қилинган. Шунингдек, унинг даврида қатл ўрнига қаторгага ҳукм қилиш амалиётидан кўпроқ фойдаланилганлиги ҳам маълум[11, 218;276;279-280]. Ушбу ҳукмдор даврида қонунларнинг юмшатилиши ҳамда кетма-кет бериладиган амнистиялар натижасида “Тунхэ” эраси (統和 “Бирлик ва тотувлик”, 983-1012) даврида Ичжоу ва Пинчжоу мавзеиларидаги қамоқхоналар бўшаб қолганлиги ҳақида маълумотлар бор. “Кайтай” (開泰 “Бошланган фаровонлик”, 1012-1021) эрасининг бешинчи йилида (1016) эса барча қамоқхоналар маҳбуслардан холи бўлган. 1065-йилдан эса оиласиз маҳбусларга таъминот ажратила бошланган[1, 25;32]. Хитанларда уюшган жиноятчилик, такрорийлик (рецидивист томонидан), бир вақтнинг ўзида бир нечта жиноятни амалга ошириш, ёш

болалар ва қарияларга нисбатан қилинган жиноят ҳолатларида қаттиқроқ жазолар белгиланган. Тўполон ёки яккама-якка олишув вақтида тасодифан одам ўлдириш, эрнинг хотин томонидан, хўжайиннинг қул томонидан ўлдирилиши, элчини ўлдириш каби ҳолатларда жиноят содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитлари батафсил ўрганилиб, шунга кўра ҳукм чиқарилган. Хитан қонунчилигида, шунингдек, 15 ёшдан кичик ўсмирлар ҳамда 70 ёшдан ошган кексалар томонидан содир этилган кичик жиноятлар жарималарга алмаштирилди. Ляо ҳоконлигида ҳукумат томонидан берилган амнистиялар ҳам қамқонлардаги маҳбусларнинг камайишига ҳисса қўшган. Амнистиялар, одатда, император тахтга ўтирган куни, унинг туғилган куни ёки бирор касалликдан соғайган куни, ўғил кўрган куни, “қайта туғилиш” (ҳокимият легитимлиги учун амалга ошириладиган маросим) кунида эълон қилинган[9, 88;91]. Бошқа алоҳида ҳолатларда ҳам жиноятчиларга умумий авф бериш эҳтимоли мавжуд бўлган.

Аммо амнистиялар, асосан, қамқон ва каторга каби жазоларга ҳукм қилинганларга тегишли бўлиб, умумий авф бериш тадбирларига қадар кутиш қатл этилувчилар кўлидан келмасди. Хитанларда қатл турлари ҳам хилма-хил бўлиб, жазоланувчиларнинг ижтимоий келиб чиқишига кўра фарқланган бўлиши мумкин. Хитанлар қатл турларига қаттиқ қийноққа асосланган “линчи” (凌遲 “секин-аста эзиш” маъносида, шунингдек, “минг қисм орқали қатл” ёки мусулмон манбаларида “хари чўб” – “ёғоч эшак” номи билан эсланади)ни кўшганлар. Бунда узоқ муддат давомида ёғоч устунга боғланган айбдорнинг танаси кичик қисмларга кесилиб, жароҳатланган[7, 20]. Ушбу жазо, одатда, ҳукмдорга суиқасд қилган ёки отасини ўлдирган шахсларга нисбатан қўлланилган. Жумладан, 951-йилда император Шицзунни ўлдирган Елюй Чагэ “линчи” қилинган[6, 75]. Отасининг қилмиши учун унинг ўғиллари ҳам ўлдирилган бўлиб, буни ўрта асрлардаги бир неча авлод қатли ҳукмининг типик намунаси сифатида қабул қилиш мумкин. Бутун оила вакиллари бу каби оғир жазога лойиқ кўриш камдан-кам ҳолларда, жуда оғир деб баҳоланган жиноятлардагина қўлланилган.

Ляо империясида бошни танадан жудо қилиш, камондан отиш, отга боғлаш ва топташ, манжаниқдан улоқтириш, тириклайин кўмиш, баъзи тоғли жойларда жарга отиш каби қатл усуллари ҳам мавжуд бўлган. Император Тайцзу даврида ота-онага қарши қилинган жиноятларда айбдорнинг оғзига нина суқиб ўлдириш амалиёти қўлланилган[11, 275]. Ўз бошлиғини ҳақоратлаган тухматчиларнинг бўғзига бигиз санчилган[8, 153]. 957-йили ҳокон Муцзунга эркак ўт пуфагини ейиш умрни узайтириши ҳақидаги гапни уқтириб, кўпчиликнинг ўлимига сабабчи бўлган аёл охир-оқибатда ҳукмдорни заҳарлашга уринишда айбланган ва “иблис камони” йўли билан қатлга ҳукм қилинган. Шунингдек, ушбу ҳукмдорнинг ўз ошпазини қатл эттириб, унинг этидан чучвара тайёрлатганлиги ҳақида маълумотлар бор[1, 19]. 982-йилда эса фитначи амалдор Елюй Сиъин қамқонда ўзини ўлдиришга ҳукм қилинган[6, 83]. Ўзини ўлдириш жазоси бошқа ўрта аср Шарқ мамлакатларида бўлгани каби қатлнинг “енгилроқ ва шарафли” кўриниши сифатида қабул қилинган бўлиши мумкин.

Ляо империясида ўғрилиқ учун қилинадиган ҳукмлар ҳам анча оғир эди. Хитойда қадимги даврлардаёқ бекор қилинган, Тан империяси даврида умуман қўлланилмаган тамға босиш тартиби ҳам хитанларда мавжуд бўлган. Унга кўра, ўғрилар ва қароқчилар қўл ва бўйинларидан тўрт маротаба тамғаланган ва бешинчи марта қайта жиноят содир этгандан сўнг қатл этилган[4, 500]. Тамға босиш бошқа қийноққа солиш усуллари билан биргаликда миллоддан аввалги 167-йилда бекор қилинган ва узоқ вақт Хитой қонунчилигида қўлланилмаган эди[2, 533]. Лекин 1050-йилда қабул қилинган ўзгаришга кўра, агар талончилик қилган шахс ўз укаси билан биргаликда бу ишни амалга оширган бўлса ва иккаласининг ҳам фарзанди бўлмаса, укаси қатл этилмаслиги тартиби жорий қилинган[12, 240]. Бу ислоҳот оиланинг барча аъзолари қирилиб кетишининг олдини олишга қаратилганлиги шубҳасиз.

Ляо империяси бошқарувининг турли даврларида ўғирлик ва унга қарши қонунларнинг турлича характерга эгаллиги, давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолати

24 жиноятлар кўламига таъсир кўрсатган. Тарихий адабиётларда император Даоцзун даврида ўғрилик ниҳоятда кучайганлиги ҳақида маълумот берилади[11, 285]. Аммо Ляо давлатида ўғрилик билан боғлиқ кичик бир ғалати анъана мавжуд бўлган. Хитанлар ҳар йили биринчи ойнинг 13-кунидан бошлаб уч кун мобайнида “хулипо” (хитан тилида “ўғрилик вақти” маъносини англатган) номли байрамни нишонлаганлар. Бу кунда кийим-бош, от, арава, ҳатто қизлар ҳам ўғирланган. Мабодо буюмлар эгаси ўғриликни сезиб қолса, маълум кичик тўлов (шароб, озиқ-овқат, пул ва совғалар) эвазига зарар қайтарилган ва жиноят ҳисобланмаган. Бироқ ўғирланган буюмлар миқдори белгиланган меъёрдан ошиб кетса, айбдорлар жавобгарликка тортилганлар[5, 340-341]. Ушбу анъанани хоқонликда кўчманчи аҳолининг тўпорилигига асосланган кўхна одатнинг сақланиши сифатида қабул қилиш мумкин.

Хитан хоқонлиги қонунчилигининг деспотик характери юқори аристократия манфаатларини ҳимоя қилган ва жамият иерархиясини мустаҳкамлаган. Жумладан, хитой миллатига мансуб шахс хитойликни ўлдирса, хўкиз ва от шаклида жарима тўлаган. Аксинча, хитойлик одам хитан кишисини ўлдирганда унинг оиласи қул қилинган[8, 153]. Аммо юқори табақаларнинг маълум ҳуқуқларидаги чекловлар ҳам истисно кўринишида кўзга ташланади. Ушбу чекловлар, энг аввало, қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, адолатсизликларни камайтириш мақсадида жорий этилган бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда ҳукмдорлар ўз хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳам чеклов ўрнатганлар. Жумладан, ичкиликка муккасидан кетган ва шафқатсизлиги билан ном чиқарган император Муцзун 958-йилда агар жаҳл устида ножўя қарор қабул қилса, яқинларига ўзининг нотўғри қарорларини тўхтатиш ҳуқуқини берган[9, 90]. 969-йили эса у ўз аъёнларига ичган вақтида қонунга мувофиқ бўлмаган буйруқ берса, ушбу буйруқ ижросини тўхтатиш ва ҳушёрлигида унга қайта эслатиш тўғрисида кўрсатма берган[6, 78]. Баъзида император Муцзун томонидан буюрилган ялпи қатлга қарши чиқиб, унинг кўламини камайтира оладиган шахслар ҳам учраб турган. Масалан, хоқоннинг укаси Елюй Бишэ бир неча маротаба қирғинларга қарши чиққан бўлса-да, бошқалардан фарқли равишда ўзи императорнинг ҳимояси остига олиниб, қатл этилмаган[11, 277]. Император Муцзун даврида муомалада бўлган ичкилик таъсиридаги фармонлар назоратини 1014-йилда император Шэнцзун ҳам қайта жорий қилган[3, 94]. Бу тадбирлар сабабсиз зулм туфайли хоқимият заифлашувининг олдини олиши керак эди.

Қонунчиликда қулларнинг мақоми ҳам турли давр ва вазиятларга кўра ўзгарувчан эди. Дастлабки даврларда қуллар тўла мулк сифатида кўрилиб, ҳар қандай инсоний муомала ва ҳуқуқлардан маҳрум этилганлар. Ўз қулини сабабсиз ўлдирган хўжайинларга қаттиқ жазо берилмаган. Қулларнинг гувоҳлиги ва кўрсатмалари ҳам жиддий қабул қилинмаган. Жумладан, хонзода Елюй Туюйнинг учинчи ўғли Елюй Шао ўз қули томонидан айбланганда, аъёнлар тафтиш қилишни талаб қиладилар. Аммо император Муцзун қулнинг кўрсатмаларига жиддий этибор қаратмаган ва унинг ўзини қатл эттиришга буюрган. Шунингдек, қулларнинг оғир жиноятларни содир этиши билан боғлиқ ҳолатлар жуда кам кузатилган ва дастлаб қонунчиликда алоҳида акс эттирилмаган. Мисол тариқасида, 962-йили Ляо давлат амалдорларидан бирининг қули бир қизни зўрлаганлиги ва бу каби ҳолатнинг қонунларда аниқ акс этмаганлиги сабабли жавобгар бичилиб, қизнинг оиласига топширишга ҳукм қилинганлигини кузатиш мумкин[1, 18;21]. Бироқ кейинроқ қулларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилана бошланган. Император Шэнцзун даврида қулни ўлдирган хўжайин қатл этилиши ҳақида қонун қабул қилинган[11, 279]. Ҳатто, ушбу ҳукмдор бир сафар етарли сабабсиз ўз чўрисини ўлдирган қизи ва куёви Сяо Туюйни ушбу ҳодиса туфайли жазолаб, мавқе ва лавозимларининг туширилишига амр этган[12, 1378]. 1006-йилдан эса қулларга ҳам 10 оғир жиноят қилган хўжайинлар устидан арз қилиш ҳуқуқи берилган[9, 90]. Аммо бошқа кичик жиноятларда қулларнинг гувоҳлиги ва шикоятлари жиддий қабул қилинмаган. 1048-йилдан қулларнинг шахсан арз қилишлари қайтадан таъқиқланади. Уларнинг фикрлари ва яхши гоёлари бўлса, хўжайинлар орқали билдириши жоизлиги белгиланган[6, 105]. Қонунлардаги ўзгаришлар ва уларнинг мазмуни

император Шэнцзун вафотидан сўнг Ляо империяси ҳокимиятнинг деспотик ва бюрократик характери ошиб борганлигини кўрсатади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Хитан империянинг суд-ҳуқуқ тизими сиёсий бошқарув тартибларида кузатилгани каби хитойлашув жараёнини ўз бошидан кечирган. Аммо қонунчиликдаги тажрибалар кўчманчи маданият таъсирини жамият тўлалигича суриб чиқара олмаган. Хукмдорларнинг ўрта аср меъёрларига ҳос адолат ва қонуний тенгликка асосланган бошқарувга содиқлиги давлатнинг юксалиши ва марказлашувининг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бироқ ушбу қонуний тенглик ва адолат ўрта асрларга ҳос ижтимоий тенгсизлик ва феодал синфийликни ҳам ўз ичига қамраб олган эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Franke H. The "Treatise on punishments" in the "Liao history" (An annotated translation) // *Central Asiatic Journal*. Vol.27, No.1/2 (1983). – P.12.
2. Hulsewe A.F.P. Ch'in and Han law // *The Cambridge History of China*. Vol.1, The Ch'in and Han empires, 221 B.C. – A.D. 220. – Cambridge: Cambridge University Press, 1986. – P.533.
3. Twitchett D., Tietze K.-P. The Liao // *The Cambridge History of China*. Vol.6, Alien regimes and border states, 907-1368. Reprinted. – Cambridge: Cambridge University Press, 2006. – P.116.
4. Wittfogel K.A., Feng Ch.-Sh. History of Chinese Society Liao (907-1125) // *Transactions of the American Philosophical Society*. New Series, Vol.36 (1946). – Philadelphia: American Philosophical Society, 1949. – P.499.
5. Е Лун-ли. Цидань го чжи. История государство киданей (Пер. с китайс., введ., комм. и прил. В.С. Таскина). – Москва: Наука, 1979. – С.340-341.
6. История великой железной империи (Дайляо гуруни судури) / пер. с маньчжурского и комм. Л.В. Тюрюминой // *История Железной империи*. – Новосибирск: Издательство института археологии и этнографии Сибирское отделение РАН, 2007. – С.105.
7. Кычанов Е.И. Жизнь Темучжина, думавшего покорить мир: Чингис-хан. Личность и эпоха. 2-е изд. – Москва: Издательская фирма «Восточная литература» РАН; Школа-Пресс, 1995. – С.20.
8. Кычанов Е.И. Кочевые государства от гуннов до маньчжуров. – Москва: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 1997. – С.153.
9. Пиков Г.Г. К проблеме влияния китайского права на уголовное законодательство киданей // *Северная Азия и соседние территории в средние века*. – Новосибирск: Наука. Сибирское отделение, 1992. – С.90.
10. Пиков Г.Г. Место ментальности в культуре империи Ляо (907-1125) // *Вестник Кемеровского государственного университета*. 2014. №3 (59), Т.2. – С.88.
11. Суровцов М.Н. О владычестве киданей в Средней Азии: историко-политический обзор деятельности киданей от начальных известий о появлении народа и основании им династии Ляо до падения сей последний на западе // в кн. *История Железной империи*. – Новосибирск: Издательство института археологии и этнографии Сибирское отделение РАН, 2007. – С.275.
12. Туотуо. Ляо ши (хитой тилида). – Пекин: Чжунхуа шуцзюй, 1974. – Б.935-947.
13. Уголовные установления Тан с разъяснениями (Тан люй шу и). Цзюани 1-8 / Введ., пер. с китайс. и комм. В.М. Рыбакова. – Санкт-Петербург: «Петербургское Востоковедение», 1999. – С.80-99.